

# БУВАЙДАДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАСИ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ИШ БОШЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Бувайда туманида ижтимоий-иктисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўрганишлар жараёнида янги ташкил этилган мактабгача таълим ташкилоти ва тиббиёт муассасаси фаолияти билан танишди.

“Яшнаробод” МФЙ ҳудудида "Zahro Med Centr" МЧЖ томонидан қурилиш ва жиҳозлаш учун 5 миллиард сўм маблағ йўналтириш ҳисобига ташкил этилган замонавий тиббий хизмат кўрсатиш муассасасида умумпрофилактик, эндокринологик, соматик ва бошқа касалликларни диагностикаси ҳамда даволаш йўлга қўйилган. Клиникада 20 нафардан зиёд тиббиёт ходимларининг доимий бандлиги таъминланган.

“Урганжи” МФЙда “Коинот афсоналари” МЧЖ томонидан ташкил этилган ҳусусий мактабгача таълим ташкилоти маҳаллада яшовчи оиласарнинг 100 нафардан зиёд фарзандларини мактабгача таълим билан қамраб олган. Лойиҳа қиймати 6 миллиард сўм бўлган ушбу муассаса жами 310 ўринга эга.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-29 21:26:13